КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 61 (5665).

27 МАРТ ШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

17 АПРЕЛЬ

Коммунистик шанбалик куни

ОЛМАЛИҚ

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчи ва хизматчилари ҳар йили доҳий туғилган кунни муносиб меҳнат тўёналари билан кутиб олишади. Бу йил ҳам қизил шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Комбинатнинг барча завод ва бошқа ташкилотларида шу муносабат билан митинглар бўлиб ўтяпти.

— Бизнинг бригадамиз коллективи шанбалик куни ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилишга бел боғлади, — деди митингда сўзга чиққан ремонт-қурилиш бошқармаси слесарлар бригадасининг бошлиғи Л. Мироненко. — Шу куни ҳаммамиз смена топшириғини ортиғи билан адо этиб, тушган маошни беш йиллик фондига ўтказамиз.

Комбинатнинг мис эритиш заводида 17 апрелда юзлаб киши меҳнат қилади. Корхонада бўлиб ўтган митингда мастер В. Громилов, флотатор Л. Алексеевалар сўзга чиқиб, шахсий мажбуриятлар қабул қилишди. Бирнеча тонна маҳсулот пландан ташқари ишлаб чиқарилади, шундан ўнинчи беш йиллик фондига 1100 сўм ўтказилади. Шунингдек, «Сари-чеку» конининг ишчи ва хизматчилари ҳам шанбалик режаларини белгилаб олишди. В. Приходько, Н. Криворученко қаби зарбдорлар зиммаларига юксак мажбурият қабул қилдилар. Конда юзлаб киши ўз меҳнат постларида ишлаб, беш йиллик фондига юзлаб сўм ўтказишга қарор қилишди.

Умуман комбинат бўйича кўпминг киши шанбаликда иштирок этади. 17 апрелда корхона бўйича ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундан ўнинчи беш йиллик фондига эса 16,8 минг сўм ўтказилади.

УМИД БАҲОРИ

Далаларда кўклам нафаси. Қуёш булутлар тутқунини ёриб чиқиши биланоқ ер юзидан кўкка ҳовур ўралайди. Пайкалларни ихота қилган тут дарахтлари новдаларига сув югуриб, куртаклар кўз оча бошлаган. Ариқ ёқаларида ялпиз ҳиди димоққа урилади, яшил майсалар кўзни яшнатади.

Толибжон Тожибоев далаларини гўё одими билан ўлчаётгандек оҳиста қадам ташлаб борар экан, ўйлайди: баҳор умидларини оқлармикан? Яна бирор ойдан сўнг бу далалар бетида мурғак ниҳоллар бош кўтаради. Куздаги меваси кўнгилдагидек бўлармикан? Ахир, уларнинг ниятлари улкан — 70 гектарнинг ҳар гектаридан 50 центнердан дур етиштириш!

Партиямиз XXV съезди иш бошлаган кун, улар, одатдагидек тушликда бригада дала шийпонига тўпландилар. Бригада аъзолари радио орқали съезд очилишини ҳаяжон билан тингладилар. Ўшанда бригадир дилига тугиб қўйган фикрини уларга айтди.

— Бу йил — ўнинчи беш йилликнинг тўнғич йили, — деди Толибжон. — Уни яхши ният билан бошласак, деган ўйдаман. Бу йил ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олсак. Бу ваъдамизга вафо қилсак, беш йиллик планимизни муддатидан илгари бажаришга замин тайёрлаймиз.

Бир неча дақиқа даврага сукут чўмди. Толибжон бригада аъзолари ўйланиб қолганликлари сабабини яхши тушунарди. Улар етти ўлчаб бир кесадиган, лекин сўз берсалар, албатта, устидан чиқадиган пахтакор эдилар. Бунга у ўтган йили тўла ишонч ҳосил қилган.

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз правленеси механизатор, ёш коммунист Толибжон Тожибоевни ўтган йили бригада бошлиғи қилиб тайинлаганда пахтакорлар уни сиғимий қарши олдилар. Улар зуваласи пишиқ, очиқ чеҳрали бу йигитни яхши билишарди. Толибжон кўп йиллардан бери колхозда механизаторлиқ қиларди. У бу бригада даласида ҳам машинасида пахта терганида меҳнатсеварлиги, тириқчиқлиги билан кўпчилик назарига тушган эди. Шундай бўлсада, ишда шахсий намуна кўрсатиш бошқа, бригадага раҳбарлик қилиш бошқа.

Янги бригадир ишини режадан бошлади. У қабул қилиб олган бригада хўжаликда илғорлар қаторида тилга олинарди. Шунга қарамай Толибжон бригада аъзоларига пахта ҳосилдорлигини гектар бошига ўртача 40

ЛАВҲА

центнерга кўтариш ҳақида сўз очганида, улар ҳозиргидай унинг фикрига қўшилишга шошилмадилар. Бироқ, бригадир пахтакорларга адр ерларида ҳам бу даражада ҳосил етиштириш мумкинлигини далиллар билан равшанлантиргач, иккиланувчилар қолмади.

Кузда, ғалвир сувдан кўтарилганда, натижа кўзлаганларидан ҳам зиёда бўлди. Улар 89 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олдилар. Бригадада бир йил ичида ҳосилдорлик олти центнерга ошди. Шунда дўстлари Толибжонга «омадли бригадир экансан» дейишганди.

Ҳа, у омадли эди. Унинг омади бригада аъзоларининг фидокор, ўз ишига моҳир эканликларида эди. Пахтакорлар коммунист бригадир бошчилигида сабот-матонат билан меҳнат қилдилар. Механизаторлар Раҳимжон Мамажонов, Ортиқали Ўтеновларнинг пахтазорда жавлон урганликлари, бободеҳқон сувчилар Аҳмаджон Ҳамидов ва Камол Аллазовларнинг ерга чиғит қадалгандан то кўсаклар тиш ёргунча эгатларга оби-ҳаёт етаклаб, кунни тунга улаганликлари ҳали-ҳали Толибжоннинг ёдида. Шу боисдан уларнинг пахта хирмонлари салмоқли, меҳнатларига яраша баракали бўлди...

Бригада аъзолари имкониятларини обдон хомчўт қилгач, бу гал ҳам Толибжон фикрини маъқулладилар. Юксак мажбурият масъулияти уларни янада самаралироқ меҳнат қилишга, ҳосил қўшиш резервларини излашга ундаяпти...

Бригадир ариқ ёқалаб борар экан, кеча чопиб бўлинган уватларни кўриб мамнун бўлди. Пайкал катта ариққача бориб тақалган. Бу ердан аввал ўтган ёлғиз оёқ йўл ҳам, бир-икки кичик ариқчалар ҳам ҳозир кўринмайди. Бригадада ҳар қарич ер учун кураш бошланган. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилиняпти.

Қўшни пайкалда бригада аъзолари далага гўнг солмоқда. Эллик центнерчилар йил бўйи ер унумдорлигини ошириш ҳаракатида бўлдилар. Далага 400 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилди ва кам унумли пайкалларга солинди. Бригада аъзолари пахта майдонларини чигит экишга тайёрлашни тугаллаяптилар. Кафтдек текисланган, борона қилинган ер, айниқса, барака уруғи қадалишини кутяпти.

Толибжон Тожибоев пайкал четида бир зум тўхтаб, кафтига тупроқ олди. «Қуёш тафти сезиляпти, — хаёлидан ўтказди у. — Кўп ўтмай чигит экишни бошлаб юборсак ҳам бўлади, чоғи».

Кўклам шабадаси унинг ўйларига сирдош бўлгандек ён бригадада беда экаётган трактор овозини қувлаб келди. Бригадир ҳадемай унинг далаларида ҳам экиш агрегатлари овози янграшини кўнглидан ўтказар экан, чеҳраси ёришди. Уларнинг баҳорлари — умид баҳорлари бошланмоқда...

Э. ЭРНАЗАРОВ.

Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» совхозида бу йил 110 гектар ерга арпа ва беда уруғи аралаштириб сепилади. Ҳар гектардан пландаги 34 центнер ўрнига 36 центнердан ҳосил олиш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

Суратда: бош агроном М. Мирхаётов ва бош инженер Э. Эшонхўжаев ўртоқлар уруғлик сифатини текширио кўрмоқдалар.

В. Кузнецов фотоси.

ГВАРДИЯЧИЛАР

2-«Далварзин» совхози устахонасида тракторлар, сеялкалар саф тортиб турипти. Бу ердаги ҳамма нарса саранжом-сариштa.

Устахонани кўздан кечириб юрган совхоз директори Қозоқбоев бундай дейди:

— Механизаторларимиз барча зарур техникани мавсумга шай қилиб қўйдилар. Мавжуд 34 та ҳайдов, 63 та чопиқ трактори, 33 та чигит экадиган сеялка, 24 та дискали, 316 та тишли борона, 17 чизел ва бошқа техника барвақт ремонтдан чиқарилиб қўйилди.

Техника ремонтида, айниқса, Абдусаттор Эсонов, Мамадали Акбаралиев, Ўринбой Абдурақмонов, Расул Узоқов, Мамарайим Дўсматов намунали ишладилар.

Механизатор Абдусаттор Эсонов бундай дейди:

— Экишга шаймиз. Мавсумда 90—100 гектар майдонга чигит ташлаш, ғўзага ишлов бериш, ҳосилни териб олишга ёрдамлашиш ниятим бор.

Бу йил совхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиб олишга аҳд қилганлар.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

ПИЛЛАКОРЛАР ШАЙЛАНМОҚДА

Оржоникидзе район хўжаликларида пилла қурти боқиш мавсумига тайёрлик ишлари қизитиб юборилди. Пиллакорлар мустаҳкам озуқа тайёрлаш масаласига катта эътибор бермоқдалар. Улар ўтган кузда 442 гектар ердаги тутзорни ҳайдаб минерал ва маҳаллий ўғит сепдилар, сугордилар.

«Октябрь» колхози пиллакорлари тутзорларнинг ҳар гектарига 200—300 килограммдан суперфосфат солдилар, калий, фосфор ва органик ўғитлари билан озиқлантирдилар. Ўтган йилнинг ўзида район хўжаликларида бир миллион тун тут дарахти кўчатлари ўтқазилди. Умуман, тўққизинчи беш йиллик давомида эса 5 миллион 40 минг тун тут ниҳоллари экилди. Бу йил ҳам бир неча минг тун тут кўчатлари ўтқазиб қўйилди.

Район пиллакорлари, айниқса ўтган йили катта меҳнат заварларини қўлга киритдилар. Улар давлатга планда белгиланган 132 ўрнига 143,2 тонна «кумуш тола» сотдилар. Йиллик план 108,5 процент бажарилди.

Район пиллакорлари КПСС XXV съезди материалларидан руҳланиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 112 тонна пилла топширишга қарор қилдилар. Хўжаликларда 2200 қути пилла қурти боқиш белгиланди.

Пиллакорларнинг малакаларини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Барча бригада бошлиқлари ва кўпчилик пиллакорлар махсус курсларда ўқидилар. Бунда, айниқса, пиллачилик илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамда мутахассислар лекция, суҳбатлар ва машғулотлар ўтказдилар.

Сўнгги йилларда пленкали типовой қуртхоналар қурилишига ҳам аҳамият берилмоқда. Шу йилнинг ўзида «Коммунист» колхозида еттита, «Маданият» колхозида ўн битта, Ленин номли колхозда учта шундай қуртхоналар ишга туширилади. Уларнинг ҳар бирида уч қутидан пилла қурти боқиш мўлжалланмоқда. Бу йил райондаги кўпгина хўжаликлар «ГК-1» ва «РТЛ-25» маркали барг қирқадиган ва саралайдиган механизмлар оладилар.

Бу йил қурт боқишда хлорелладан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу йил Урта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти олимлари томонидан кашф этилган янги пилла навлари — «Тетрагибрид-10», 10-а, 18-навлари кўпроқ етиштирилади.

Ж. ВАҲОБОВА.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети меҳнаткашлар депутатлари область Советининг IV сессияси 1976 йил 30 мартда соат 11 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида чақирилишини маълум қилади.

Депутатлар соат 10 дан шу бинода рўйхатга олинади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети

БИЛДИРИШ

1976 йил 24 март куни Узбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси 72-Оққўрғон сайлов округидан Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига 1930 йилда туғилган, миллати ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, министр ёрдамчиси— Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли тўртинчи Бош бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган ўртоқ Субхонқул Оripович **Орипов** номзодини рўйхатга олди.

ДЕЛЕГАТ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Шахтёрлар ҳамкасблари, КПСС XXV съезди делегати Абдураҳмон Маматовни Москвадан қайтган кун қувонч билан кутиб олишди. Ҳамма унинг ўз огзидан съезднинг қандай ўтганлиги, олган таассуротлари ҳақида эшитишни истарди.

Кейинги кунларда шахтада ҳам бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Абдураҳмон Маматов мамлакатимиз коммунистларининг улкан форуми ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг қилган ҳисобот доклади, музокарада сўзга чиққан делегат ва меҳмонларнинг ёрқин ва мазмунли нутқлари тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Мана, 30 йилдан ошдики, совет халқи тинч, осойишта қаёт кечирмоқда, — дейди делегат. — Бу йиллар ичида совет кишилари моддий ва маънавий жиҳатдан юксакликка кўтарилди. Бу албатта, жонажон Коммунистик партиянинг тинчлик сиёсати туфайлидир. Биз эса бунга ўзимизнинг самарали меҳнатимиз билан жавоб берамиз.

— Сизнинг съезд ишида иштирок этиб юрган кунларингизда, — деди кончи Абдулла Гаффоров, — шахта бўйича пландан ташқари 5 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди...

Шахтёрлар ана шу учрашувларда КПССнинг ташқи ва ички сиёсатини маъқуллаб, бундан кейин ҳам бутун резервларни ишга солиб самарали меҳнат қилажакларини билдирдилар. Оширилган социалистик мажбуриятлар олишди.

Ўнинчи беш йилликда шахтёрларни катта ишлар кутмоқда. Бу давр ичида шахта реконструкция қилинади, унинг лойиҳа-қуввати ошади, ёнилғи қазиб чиқариш деярли икки баробарга ўсади. Ангрен кўмир кони базасида эса янги ГРЭС қад кўтаради. Янги нурхона ҳозирги ГРЭСга нисбатан тўрт баробар кўп электр қуввати беради. **Ф. ПЕТРОВ.**

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

26 март куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари «КПСС XXV съезднинг якунлари ва съезд қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети раиси М. А. Зоидовнинг докладини муҳокама қилдилар.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Марказий Комитет Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан съездда қилган ҳисобот докладини ғоят баланд руҳ билан қабул қилдилар. Бу ҳужжат партияга, бутун совет халқига аниқ истиқболни белгилаб берди, янги меҳнат беш йиллиги учун зўр ғайрат-шижоат бахш этди. Ҳозирги беш йиллик — самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Пленум қатнашчилари ана шуни қайд қилиб, касаба союзларининг советлари ва комитетлари партия белгилаган режаларни рўёбга чиқариш соҳасида хўжалик органлари билан биргаликда комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш да актив иштирок этишлари лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш соҳасида касаба союз зиммасига муҳим вазифа юклангандир. Илғор ишчиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари кенг қулоч ёзиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг ўн новатори ўртага қўйган «Бир беш йиллик планни бажарамиз» деган ташаббус, «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» деган ташаббус ва бошқа шу каби ташаббуслар шулар жумласидандир.

Пленум қабул қилган қарорда съезд қарорлари тўлатўкис маъқулланади, республиканинг барча меҳнаткашлари партия режаларини амалга ошириш учун кучғайрат ва билимларини аямайдилар, деб ишонч билдирилади.

КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СЕРҚАЙМОҚ СУТ ТОПШИРАЙЛИК

(Область районларида шу йилнинг икки ойи давомида топширилган сутнинг сифати ҳақида (планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — биринчи сорт, учинчи стун — иккинчи сорт).

Янгийўл	91,0	8,5
Бўстонлиқ	89,5	10,3
Оққўрғон	87,0	11,3
Тошкент	83,5	9,8
Қуйи Чирчиқ	80,9	3,5
Чиноз	73,3	12,4
Бўка	70,5	15,7
Юқори Чирчиқ	70,4	22,4
Ўрта Чирчиқ	69,1	30,4
Оҳангарон	67,0	26,4
Оржоникидзе	60,7	30,6
Пискент	57,0	17,4
Бекобод	53,8	3,1
Калинин	47,8	31,0
Область бўйича	71,8	16,6

Бу беш йиллиқда ҳар бир соҳада сифат ва самарадорлик учун нураш асосий шиор бўлиб қолмоқда. Чорвадорлар, сут соғувчиларимиз ҳам мана шу мақсад йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Илғор колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари аҳолига семиз, ёғлиқ гўшт, серқаймоқ сут етказиб бериш учун барча зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Энг муҳими улар фермаларда молларни зооветеринария қоидалари асосида, белгиланган рациондаги ширали ва тўйимли озуқалар билан боқишга эътиборни кучайтирмоқдалар. Шу туфайли ҳам давлатга сифатли сут етказиб бераётган чорвадорлар сафи кенгайиб бораётир.

Мана, юқорида область районларида биринчи кварталда соғиб олинган сутнинг сифати ҳақидаги маълумот.

Бу маълумотдан кўриниб турибдики, Бўстонлиқ, Янгийўл, Тошкент, Оққўрғон районларида сифатли сут соғиб олишда яхши натижаларга эришилган. Масалан, Бўстонлиқ районида топширилган сутнинг 89,5 проценти, Урта Чирчиқ районида эса 69,1 проценти, Янгийўл районида 91 проценти, Оққўрғон районида 87 проценти биринчи сортга қабул қилинган.

Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли, Калинин номли, Оққўрғон районидаги Вотинцев номли, Қуйи Чирчиқ районидаги «Победа», Энгельс номли колхозлар, Чиноз районидаги наслчилик совхозтехникумида топширилган сутнинг 100 проценти биринчи сортларга ўтганлиги қувонарли ҳолдир.

Бироқ, айрим хўжаликларда соғиб олинаётган сут жуда сифатсиз. Бекобод райони колхоз ва совхозларида давлатга топширилган ва сортсиз сут 43,1 процентни, Пискент районида эса 25,6 процентни, Калинин районида 21,9 процентни, Чиноз районида 14,3 процентни ташкил этди.

Айниқса, Калинин районидаги «Назарбек», «Москва» совхозларида бу соҳадаги ишлар қониқарсиз. Бундай хўжаликлар қаторига Чиноз районидаги «Москва», Пискент районидаги «Гулистон», Тельман номли колхозлар, Тошкент районидаги Абдураҳмонов номли совхозни, Ильич колхозини, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозини ҳам киритиш мумкин.

Колхоз ва совхозларнинг мутахассислари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси ва давлат инспекцияси ходимлари сутнинг сифатли бўлиши тўғрисида жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Ҳар бир колхоз ва совхоз фермасида санитария-гигиена, молларни боқиш, парвариш қилишлари, сут соғиб олиш ва дастлабки қайта ишлаш тадбирлари қайдай амалга оширилаётганлигини қатъий назорат қилиб бориш даркор.

ЁШЛАР ҒАЙРАТ-ШИЖОАТИНИ БЕШ ЙИЛЛИККА БАҒИШЛАДИЛАР

Узбекистондаги кўп минглаб йигит-қизларнинг таржимаи ҳолларида КПСС XXV съезднинг иш кунлари ёрқин меҳнат ғалабалари, ижодий ташаббуслар чоғи сифатида акс этди. Ленин комсомолининг партия XXV съездига берган рапорти остидаги 86 минг имзо бунинг далилидир. Республика комсомол активининг 26 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда гапирилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюросини яқдиллик билан фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов «КПСС XXV съезднинг якунлари ҳамда республика комсомол ташкилотининг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш борасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари таъкидладиларки, республика ёшлари партия съезднинг ҳар бир иш кунини зарбдор меҳнат билан нишонладилар. Бугунги кунда комсомоллар, барча ёшлар съезд қарорларини бажаришга кучғайрат сарфлаяптилар, ўнинчи беш йиллик улуғвор планларини амалга оширишга йигит-қизларни сафарбар қилаяптилар. Комсомол ишлари формалари ва методларини янада такомиллаштириш, ёш авлодни меҳнат ва ахлоқий тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТ ЧОРЛАЙДИ

Бу корхонани алп одимлар билан юксалаётган саноатимизнинг ғуғури ва фахри, деб бежиз айтишмайди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги беш йилликлар давомида оёққа турган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг номи, унинг меҳнатсевар, зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш қуст эҳтиёжи билан бажараётган, ўзининг бой тажрибаси, ғайрат-шижоати ва қалб қўрғони жонажон корхонаси шон-шуҳратини ошириш, тайёрланаётган тўрли-туман рангли металлар маркасини кўтариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган минглаб маҳдан қазувчилар, сараловчилар, металлургларнинг улкан зафарлари бутун мамлакатга донг таратмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш 43,2 процент ортди. Бу беш йилликда назарда тутилган кўрсаткичдан бир мунча кўпдир. Шунисси таҳсирга сазоворки, коллектив маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришди. Маҳсулот ортишининг 97 процента унумдорлик эвазига бўлди. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи арзонлаштирилди. Ҳом ашё ва материаллар кўплаб тежаб қолинди. Давлатга қўшимча тонна-тонналаб мис, рух, кўрғошин етказиб берилди.

Коллектив бундай меҳнат зафарларига биринчи навбатда ўз касбига меҳр қўйган кончилар, сараловчилар, металлургларнинг социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, фидокорона ишлаганликлари натижасида эришди. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, техника тараққиётини жадаллаштириш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини жадал юксалтиришга эришиш йўлида тиним билмай изланишдилар. Ихтиёрларига топшириб қўйилган қудратли кончилик машина-механизмларидан самарали фойдаланишдилар. Иш вақтининг бефойда ўтишига йўл қўймадилар. Илғор тажриба, прогрессив иш усулларини кенг қўллашдилар.

Айниқса, социалистик мусобақани ташкил этишга катта эътибор берилди. Унинг янги-янги формалари жорий қилинди. Ишчилар қатори инженер-техник ходимлар ҳам бу ишларда фаол иштирок этишмоқда. Мусобақадошлар асосий вазифаларидан ташқари техникани тараққий эттириш, қолоқ иш операцияларини такомиллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш билан муттасил шуғулландилар.

Қалмоққир, Қўрғошинкон конлари, мис ва кўрғошин-рух саралаш фабрикалари, мис эритиш заводи ва олтингугурт кислотаси цехи ишчи-хизматчиларининг комбинат коллективи эришган ютуқларда салмоқли ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш керак. А. Горюшко бошлиқ бурғичилар, В. Дубинин раҳбарлик қилаётган флотаторлар, К. Шеров бошчилигидаги конгерторчилар бригадалари, КПСС XXV съезди делегати, экскаватор машинисти Эргаш Абдурахмонов ва бошқа юзлаб металлургларга меҳнатда касбдошларига ўрнак бўлдилар. Улар умумли ишлаш билан бирга ишнинг сифатини ҳам анча яхшилашга эришдилар.

Комбинат коллективининг ибратли ишларидан яна бири шундаки, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш, фан ютуқларини қўлланишга доим эътибор берилмоқда. Шу соҳада жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик муассасалари билан ёнма-ён ишлаш, ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, меҳнатни илмий ташкил этиш билан муттасил шуғулландилар.

Қўш орденли комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари юксак мукофотга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан жавоб беришга азму аҳд қилдилар. Улар КПСС XXV съезди тарихий қарорларида маъдан ҳом ашёсидан олинаётган қимматли элементлар сонини янада кўпайтириш, мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун рангли металлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишлаб чиқаришни янада оширишга эришиш учун ҳозирдан бошлаб курашни қизғин авж олдириб юборишдилар. Шу туфайли ҳам ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки ойи учун мўлжалланган маҳсулот реализацияси плани ортиғи билан адо этилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Бу эса комбинат коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришидан, она-Ватанимизни меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги, ишлаб чиқаришда янги технологик жараёнларни ўзлаштириш ва юксак техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришганлиги учун Олмалиқ кон-металлургия комбинатига иккинчи юксак мукофот — Меҳнат Қизил Байроқ ордени берилди.

Қўш орденли комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари юксак мукофотга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар билан жавоб беришга азму аҳд қилдилар. Улар КПСС XXV съезди тарихий қарорларида маъдан ҳом ашёсидан олинаётган қимматли элементлар сонини янада кўпайтириш, мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун рангли металлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ишлаб чиқаришни янада оширишга эришиш учун ҳозирдан бошлаб курашни қизғин авж олдириб юборишдилар. Шу туфайли ҳам ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки ойи учун мўлжалланган маҳсулот реализацияси плани ортиғи билан адо этилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши ўсишининг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига эришилди. Бу эса комбинат коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришидан, она-Ватанимизни меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан тантанали кутиб олишдан далолат беради.

М. МАҲМУДОВ.

ҚЎЗИЛАТИШ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА

Шу кунларда қир ва адирлар, тоғ этакларидаги яйловлар ажойиб манзара кашф этган. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Атрофга боқиб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Яхши ниятлар билан ерга уруғ сочаётган деҳқонлару, кўчат ўтказаётган соҳибкорларнинг дилида янги-янги орзулар куртак очиб барг ёзмоқда.

Ҳамиша элнинг маъмурчилиги тўғрисида жон қуйдирадиган азамат чўпонларимизнинг қувончини айтмайсизми? Улар қиши билан тиним билмадилар, чорвани тўқ, соғлом олиб чиқдилар. Мана энди яна бир масъулиятли давр — қўзилатиш мавсуми бошланиб кетди. Бу мавсум чўпонлардан алоҳида меҳнат, масъулият, ҳушёрликни талаб этади.

Оҳангарон райони хўжаликларида бўлар эканмиз, бундай марду-майдон, фидокор чўпонларни кўплаб учратдик. Районда ўтган йили 85.300 бош қўй боқилган эди. Бу йил уларнинг сони 94 мингдан ошиб кетди. Шулардан 45 минг 400 бошини қўзилайдиган совлиқлар ташкил этади.

КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган қўйчивонлар бу йил планда кўзда тутилган 41.720 ўрнига, 49.830 бош қўзи олишга аҳд қилганлар. Ана шунда ҳар юз бош совлиқдан олинадиган қўзи сони 115 тага йилдан буён чўпонлик қилиб келмоқда. Сойнинг икки томонида баланд қоялар салобат тўкиб турибди. Тоғ этакларида Оҳангарон зотли қўйлар боқилади. Сой ўртасида қўра бор. Ундан нариоқда эса чўпон уйи. Биз уйга етиб келганда бу ерда ҳеч ким йўқ эди.

Бироздан сўнг тепалик томондан ўрта бўйли, қотмадан келган қорача йигит тушиб кела бошлади. У Ражаб Хатамов экан. Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бош зоотехниги Нойил Носиров бизни у билан таништирди.

— Ҳозир, — деди Ражаб, — бугун эрта қўзилайдиган совлиқлардан хабар олиб келаётган эдим. Ҳозир қўйлар группаларга ажратиб боқилмоқда. Янги қўзилайдиган қўйлардан доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Биринчи марта қўзилайдиган совлиқ асоврок бўлади. Боласини ташлаб кетиб, ҳатто эмдирмаслиги ҳам мумкин. Бундайларни биз алоҳида назорат остига оламиз. Бизнинг отарда 380 та совлиқ бор. Уларнинг ҳар юз бошидан 104 тадан қўзи олиш учун курашмоқдамиз.

Совхознинг бошқа бўлим-бригадаларини ҳам айланар эканмиз, ҳамма ерда ҳам қўзилатиш уюшқоқлик билан ташкил этилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, узоқ яйловларда меҳнат қилаётган чўпонларга яратиб берилаётган шароит кўнгилдагидек эмас. Бу албатта, чўпонларнинг кайфиятига, иш унумдорлигига таъсир этмасдан қолмайди.

Серго номли совхозда ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишга бел боғлаганмиз. Аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

Қўйчиликни ривожлантиришда ака-ука Матис, Маъмур, Сафармат Абдуқулов сингари чўпонларнинг ҳиссаси катта. Акаукалар ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Ўзаро мусобақада Матис Абдуқулов пешқадамлик қилаётир. Унинг отарида 470 совлиқ бор. Ҳар юз совлиқдан 110 тадан ошириб қўзи олинмоқда.

Пармонсой, Ёнғоқлисойларни кезган киши ака-ука чўпонларнинг ишига, тажрибасига, ғайрат-шижоатига қойил қолади.

— Биз, — дейди Матис Абдуқулов, — май ойигача қўй-қўзиларни шу ерда боқамиз, сўнг тоғли районларга чиқиб кетилади.

... Ўрғоз сойларидан ошиб, Оҳангарон ҳудудидаги Ёнғоқлисойларгача ҳаммаёқ кўм-кўк. Ҳаммаёқ ҳаёт. Ҳаммаёқ ҳаракат. Ана шундай ҳаракатлардан бирининг ҳикоясини ўқиб, ўзингиз ҳукм чиқаринг.

Кўпгина хўжаликлар бу масъулиятли мавсумга яхши тайёргарлик кўрдилар. Айниқса, «Ангрен», Тошкент отчилик заводларида қўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан бошланиб, намунали ўтказилмоқда. «Ангрен» совхозида мутахассислар отарларда чўпонлар билан бирга тунаб қолмоқдалар.

Ворошилов номли совхозда бўлганимизда ўз ишининг устаси бўлган тажрибакор чўпонларнинг иши билан таништик. Бу совхозда бу йил янгидан бешта қўра қуриб битказилган. Уларда чўпонлар учун барча шароит мавжуд. Совхознинг 4-бўлимидаги Абдужаббор Мамбетов бригадасида еттита отар бор. Бу отарларда 2565 бош совлиқ боқилмоқда. Ҳозиргача 1.200 дан ортиқ қўзи олинди.

Бу ерда моҳир чўпон Сувонқул Ҳамроевнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олдилар.

— Менга чўпонлик — ота касб, — дейди Сувонқул ака.— 1940 йилдан буён қўй боқиб келаман. Ўн йил давомида отам Ҳамро Шодибековдан чўпонлик сирларини ўргандим. Ҳозирги кунда менга ўғлим Имомали ёрдамлашмоқда. Турмуш ўртоғим Хонимой ҳам ҳар бир ишда кўмакдош. Бизга қарашли отарда 527 совлиқ бор. Қўзилатишга алоҳида тайёргарлик кўрдик, қўралар яхши ремонт қилинди. Янги туғилган қўзилар онаси билан бирганликда бир кеча-кундуз иссиқ хонада боқилади. Ёримларини алоҳида парвариш қиламиз. Бу йилги қўзилатиш плани бажарилмай қолган эди. Қишлоқ яхши ўтказилмаганлиги, суниқ урчитиш намунали йўлга қўйилиб, қўралар мавсумга яхши созланмаганлиги, кўпгина мутахассислар масъулиятни нуқур ҳис қилиб иш олиб бормаганлиги туфайли ана шундай аҳвол юз берган эди.

Афсуски, ўтган йилги сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олинмаяпти. Совхозда ҳозирги кунда 15.500 қўй бор. Шундан салкам 9 минг боши — совлиқлар. Бу йил ҳам суниқ урчитиш яхши йўлга қўйилмади. Мавсумга тайёргарлик юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмади. Шунинг учун ҳам қўзилатишнинг бориши кўнгилдагидек эмас. Қўйларнинг аксарияти ориқ, касалликкa чалинган. Албатта, бундай совлиқлардан олинган насл ҳам соғлом бўлмаслиги турган гап.

— Биз, — дейди Нойил Носиров, — бу совхозларда ҳам мавсумни уюшқоқлик билан тугаллаш учун зарур тадбирларни амалга оширамиз.

Умуман олганда, Оҳангарон районида қўзилатиш мавсумини ўтказиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Бу масала район партия комитети бюросида махсус муҳокама этилди. Шаҳар, туман партия комитети, район ижроия комитети вакилларидан иборат махсус комиссия белгиланди. Ҳар бир хўжаликда ана шу комиссиядан вакиллар бор. Улар вақти-вақти билан ўзларига бириктирилган хўжаликларда бўлиб, отарлардаги аҳвол билан танишиб турадилар. Сўнг бу ҳақда ёзма ахборот берадилар. Район партия комитети ҳузуридаги штаб бу ахборотларни ўрганиб, улардаги таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиради. Лозим топилганда хўжаликларга тезлик билан ёрдам уюштирилади.

Халқ назоратчиларидан иборат қўшимча постлар вақтивақти билан рейд уюштириб турадилар. Янги туғилган қўзилар ҳисобга олинишини назорат қиладилар. Ҳар бир бригадада биттадан бухгалтер, ҳисобчи бор. Улар янги туғилган қўзиларни махсус дафтарга қайд қилиб борадилар. Ишнинг ана шу зайлда ташкил этилиши қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, рўй бераётган камчиликларни тезда бартараф этиш имкониятини бермоқда.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Х. ТУРАЕВ,
Ўзбекистон радиоси Тошкент область эшиттиришлар редакцияси қишлоқ хўжалиги бўлимининг редактори.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ОБЛАСТЬ РАДИОСИ РЕЙДИ

«Олмалиқ» совхозига етиб келганимизда кун пешиндан оқкан эди. Биз совхознинг Ражаб Ҳатамов бош чўпон бўлган отариламиз. Ражаб 1973 йилдан буён чўпонлик қилиб келмоқда. Сойнинг икки томонида баланд қоялар салобат тўкиб турибди. Тоғ этакларида Оҳангарон зотли қўйлар боқилади. Сой ўртасида қўра бор. Ундан нариоқда эса чўпон уйи. Биз уйга етиб келганда бу ерда ҳеч ким йўқ эди.

Бироздан сўнг тепалик томондан ўрта бўйли, қотмадан келган қорача йигит тушиб кела бошлади. У Ражаб Хатамов экан. Район ишлаб чиқариш бошқармасининг бош зоотехниги Нойил Носиров бизни у билан таништирди.

— Ҳозир, — деди Ражаб, — бугун эрта қўзилайдиган совлиқлардан хабар олиб келаётган эдим. Ҳозир қўйлар группаларга ажратиб боқилмоқда. Янги қўзилайдиган қўйлардан доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Биринчи марта қўзилайдиган совлиқ асоврок бўлади. Боласини ташлаб кетиб, ҳатто эмдирмаслиги ҳам мумкин. Бундайларни биз алоҳида назорат остига оламиз. Бизнинг отарда 380 та совлиқ бор. Уларнинг ҳар юз бошидан 104 тадан қўзи олиш учун курашмоқдамиз.

Совхознинг бошқа бўлим-бригадаларини ҳам айланар эканмиз, ҳамма ерда ҳам қўзилатиш уюшқоқлик билан ташкил этилмаганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, узоқ яйловларда меҳнат қилаётган чўпонларга яратиб берилаётган шароит кўнгилдагидек эмас. Бу албатта, чўпонларнинг кайфиятига, иш унумдорлигига таъсир этмасдан қолмайди.

Серго номли совхозда ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишга бел боғлаганмиз. Аҳдимизнинг уддасидан чиқамиз.

Қўйчиликни ривожлантиришда ака-ука Матис, Маъмур, Сафармат Абдуқулов сингари чўпонларнинг ҳиссаси катта. Акаукалар ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Ўзаро мусобақада Матис Абдуқулов пешқадамлик қилаётир. Унинг отарида 470 совлиқ бор. Ҳар юз совлиқдан 110 тадан ошириб қўзи олинмоқда.

Пармонсой, Ёнғоқлисойларни кезган киши ака-ука чўпонларнинг ишига, тажрибасига, ғайрат-шижоатига қойил қолади.

— Биз, — дейди Матис Абдуқулов, — май ойигача қўй-қўзиларни шу ерда боқамиз, сўнг тоғли районларга чиқиб кетилади.

... Ўрғоз сойларидан ошиб, Оҳангарон ҳудудидаги Ёнғоқлисойларгача ҳаммаёқ кўм-кўк. Ҳаммаёқ ҳаёт. Ҳаммаёқ ҳаракат. Ана шундай ҳаракатлардан бирининг ҳикоясини ўқиб, ўзингиз ҳукм чиқаринг.

Кўпгина хўжаликлар бу масъулиятли мавсумга яхши тайёргарлик кўрдилар. Айниқса, «Ангрен», Тошкент отчилик заводларида қўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан бошланиб, намунали ўтказилмоқда. «Ангрен» совхозида мутахассислар отарларда чўпонлар билан бирга тунаб қолмоқдалар.

Ворошилов номли совхозда бўлганимизда ўз ишининг устаси бўлган тажрибакор чўпонларнинг иши билан таништик. Бу совхозда бу йил янгидан бешта қўра қуриб битказилган. Уларда чўпонлар учун барча шароит мавжуд. Совхознинг 4-бўлимидаги Абдужаббор Мамбетов бригадасида еттита отар бор. Бу отарларда 2565 бош совлиқ боқилмоқда. Ҳозиргача 1.200 дан ортиқ қўзи олинди.

Бу ерда моҳир чўпон Сувонқул Ҳамроевнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олдилар.

— Менга чўпонлик — ота касб, — дейди Сувонқул ака.— 1940 йилдан буён қўй боқиб келаман. Ўн йил давомида отам Ҳамро Шодибековдан чўпонлик сирларини ўргандим. Ҳозирги кунда менга ўғлим Имомали ёрдамлашмоқда. Турмуш ўртоғим Хонимой ҳам ҳар бир ишда кўмакдош. Бизга қарашли отарда 527 совлиқ бор. Қўзилатишга алоҳида тайёргарлик кўрдик, қўралар яхши ремонт қилинди. Янги туғилган қўзилар онаси билан бирганликда бир кеча-кундуз иссиқ хонада боқилади. Ёримларини алоҳида парвариш қиламиз. Бу йилги қўзилатиш плани бажарилмай қолган эди. Қишлоқ яхши ўтказилмаганлиги, суниқ урчитиш намунали йўлга қўйилиб, қўралар мавсумга яхши созланмаганлиги, кўпгина мутахассислар масъулиятни нуқур ҳис қилиб иш олиб бормаганлиги туфайли ана шундай аҳвол юз берган эди.

Афсуски, ўтган йилги сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олинмаяпти. Совхозда ҳозирги кунда 15.500 қўй бор. Шундан салкам 9 минг боши — совлиқлар. Бу йил ҳам суниқ урчитиш яхши йўлга қўйилмади. Мавсумга тайёргарлик юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмади. Шунинг учун ҳам қўзилатишнинг бориши кўнгилдагидек эмас. Қўйларнинг аксарияти ориқ, касалликкa чалинган. Албатта, бундай совлиқлардан олинган насл ҳам соғлом бўлмаслиги турган гап.

— Биз, — дейди Нойил Носиров, — бу совхозларда ҳам мавсумни уюшқоқлик билан тугаллаш учун зарур тадбирларни амалга оширамиз.

Умуман олганда, Оҳангарон районида қўзилатиш мавсумини ўтказиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда. Бу масала район партия комитети бюросида махсус муҳокама этилди. Шаҳар, туман партия комитети, район ижроия комитети вакилларидан иборат махсус комиссия белгиланди. Ҳар бир хўжаликда ана шу комиссиядан вакиллар бор. Улар вақти-вақти билан ўзларига бириктирилган хўжаликларда бўлиб, отарлардаги аҳвол билан танишиб турадилар. Сўнг бу ҳақда ёзма ахборот берадилар. Район партия комитети ҳузуридаги штаб бу ахборотларни ўрганиб, улардаги таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиради. Лозим топилганда хўжаликларга тезлик билан ёрдам уюштирилади.

Халқ назоратчиларидан иборат қўшимча постлар вақтивақти билан рейд уюштириб турадилар. Янги туғилган қўзилар ҳисобга олинишини назорат қиладилар. Ҳар бир бригадада биттадан бухгалтер, ҳисобчи бор. Улар янги туғилган қўзиларни махсус дафтарга қайд қилиб борадилар. Ишнинг ана шу зайлда ташкил этилиши қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, рўй бераётган камчиликларни тезда бартараф этиш имкониятини бермоқда.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Х. ТУРАЕВ,
Ўзбекистон радиоси Тошкент область эшиттиришлар редакцияси қишлоқ хўжалиги бўлимининг редактори.

(Бу материалнинг бугун Ўзбекистон радиоси 2-программаси орқали кеч соат 19 дан 30 минут ўтганда эшитишингиз мумкин).

ДЕҲҚОН БАҲОРИ

Абдуқодир Қозоқбоев совхоз идорасида йўқ эди.

— У кишини даладан топасиз. Балки маккажўхорини экилаётган участкададирдир,— дейди совхоз экономисти.— У ерда бўлмасалар, бешинчи бўлимга бориб кўринг. Бугун у ерда танлаб чигит экиш бошланган.

Кафтдек текис, равон йўл Комил ака Қўчқоров бошлиқ бўлим далалари томон етаклайди. Олисдан тракторларнинг гувиллаши эшитилади, ахён-ахёнда чигит ортган машиналар гизиллаганча ўтиб қолади. Қайрағоч яқинида йўл бўйида бир неча киши ариқ четларига тут кўчати ўтказиш билан банд.

Бўлим деҳқонлари енг шимариб ишга киришганлар, барча техника воситалари, селкалар далада. Майдон ўртасида бирнеча киши алланиманидир қизғин муҳокама қилмоқда. Улардан бири вақти-вақти билан беш-ўн қадам юргач, ерга энгашиб тупроққа кўл суқади ва бир лаҳза тўхтаб, ўрта бўй, қорачадан келган ҳамроҳига нимандир кўрсатади.

— Чигит белгиланган чуқурликда тушяпти. Ердаги нам маромида,— дейди у мамнун ҳолда.— Менимча бу йил чигит сувига ҳожат бўлмаса керак.

— Беш-ўн кун ҳаво яхши туриб берса бас,— дейди совхоз директори Абдуқодир Қозоқбоев бош агроном Туроновнинг гапини маъқулларкан,— чигит бир текис униб чиқади.

Директорнинг чеҳрасидан ишлар дуруст кетаётганини пайқаш қийин эмас.

— Бу йилги режаларимиз катта,— дейди у.— Ҳосилдорликни гектар бошига 38 центнерга етказишга аҳд қилганмиз. Бу фақат айтишга осон.

Йўл-йўлакай Абдуқодир ака хўжалик хусусидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилиб берарди. Унинг сўзига қараганда ўтган йилнинг серташвиш баҳори деҳқонларни озмунча қийнамаган.

Бултур ҳам чигит экиш мана шундай уюшқоқлик билан агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилган. Энди биринчи довон ошдик, деб хурсанд бўлган бир пайтда табиат пахтакор олдига қатор қийинчиликлари, муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Натижада кўп жойда чигит униб чиқмади, деҳқонлар чигит сувн беришга мажбур бўлишди.

Ҳарқалай деҳқон иродаси, ақл-заковати, билим ва тажрибаси бу гал ҳам инжиқ табиатдан голиб келди. Мавжуд 2850 гектар майдонда чигит тўла ундириб олинди.

Сув танқислиги туфайли қўшимча бир неча насос ўрнатишга тўғри келди. Айниқса, юкнинг оғири сувчилар билан механизаторлар зиммасига тушди. Улар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкдилар, чанқоқ ерларга сув тарадилар, қачонки мурғак ниҳоллар ердан бош кўтаргач, культивацияга зўр бердилар. Хусан Исмонлов, Ўрол Турдиев, Маъмур Маматқулов, Карим Дўсматов, Абсами Аширқулов сингари азамат сувчилар ғўзалар ҳосил туггунча тиним билишмади. Совхоз маъмурияти эса ўз йўли билан илғорларни рағбатлантириб турди. Қарабсизки, кузга келиб ҳар бир туп ғўзада шиғил-шиғил кўсак ҳосил тугди.

Дарвоқе, 2-«Далварзин» совхози пахтакорлари давлатга мўлжалдагидан анча кўп пахта сотишга муваффақ бўлишди. Ҳосилдорлик пландаги 26,7 ўрнига 31,4 центнерни ташкил этди. Бинобарин, йиллик план 116,7 процент бажарилди. Бундай юқори кўрсатгичда Ғафур Маҳмудов, Комил Қўчқоров, Қодир Эгамназаров бошлиқ бўлим пахтакорларининг, ҳар гектар майдондан 42,7 центнер ҳирмон кўтарган Муҳтор Аъзамов бошлиқ бригада аъзоларининг қўшган улушлари айниқса баракали бўлди.

Бу муваффақиятларга барча совхоз ишчилари, дала гвардиячиларининг меҳнати, ғайрати-ю, шижоати туфайли эришилди. Абдулла Абдурахмонов, Мамаранс Дўсматов, Икром Отабоев, Мамадали Акбаралиев каби механизаторлар айниқса меҳнатда юксак намуна кўрсатдилар. Директор шулар ҳақида ҳикоя қилар экан, машина билан 6325 тонна пахта терилганини алоҳида қайд этди.

2-«Далварзин» совхози пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг дебоча йилида ҳам зиммаларига юксак мажбурият олишган. Совхоз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларидан илҳомланиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини, аввало пахтачиликни тагин ҳам юксалтиришга бел боғлашган.

— Совхозимиз ишчи-хизматчилари,— дейди Абдуқодир Қозоқбоев,— шу кечакундузда яна ҳам ғайрат билан ишлашмоқдалар. Беда, маккажўхори экиш аллақачон тамомланди. Лавлаги, эртаги сабзавот, картошка экиш ишлари ҳам поёнига етказилди.

Юқорида айтилганидек бу йил совхоз коллективи олдида катта вазифалар турибди. Чунончи, сифат ва самарадорлик беш йиллигининг дастлабки йилида совхоз она-Ватанга 10 минг 100 тонна «оқ олтин» етказиб бериши керак, ҳосилдорлик 38 центнерга кўтарилиши лозим. Ана шу юксак ва шарафли вазифани ҳал этиш учун 2800 гектар майдонга чигитни гербицидлар ёрдамида экилади. Минг гектар майдондаги ғўзаларни механизмлар ёрдамида чеканка қилиш мўлжалланган. «Зангори кема» бункеридан 8 минг тонна дурдона тўкилади.

Совхоз пахтакорлари ана шу ниятни дилга жо қилиб, чигит экишни қисқа муддатда тамомлаб, уни ернинг намига ундириб олиш учун астойдил интилмоқдалар.

Я. САЛИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КПСС XXV съезди делегати, Тошкент трактор заводининг моҳир пармаловчиси Анна Федюшина коммунистларнинг улкан анжуманидан олган таассуротларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиб, ҳар соҳада уларга намуна бўлаётир. Айни кунларда у ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ЯНА „ТОШКЕНТ" СОВХОЗИ ҲАҚИДА"

Шу йил 26 январда Тошкент районидаги «Тошкент» совхози ҳақида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган эди. Шу ҳақда район партия комитетининг биринчи секретари Ўрток Юсупжон Толипов қуйидаги жавобни ёзиб юборган.

Мақолада келтирилган ҳамма фактлар тасдиқланган. 1975 йили совхозда 1200 ўрнига 860 тонна картошка, 4976 ўрнига 4323 тонна сабзавот, 135 ўрнига 116,4 тонна мева, 132 ўрнига 85 тонна узум ишлаб чиқарилиб планлар бажарилмаган. Шунингдек, давлатга чорвачилик маҳсулотларини сотиш топшириқлари уддаланмади. Бунга кадрларнинг қўнимсизлиги асосий сабаблардан бири бўлган.

«Тошкент» совхозидаги кадрларнинг қўнимсизлиги масаласи совхоз партия комитетида ва район партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинган. Райком бюроси бўлим ва бригада бошлиқларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиб, тасдиқлаган. Совхоз директори С. М. Осмонов хўжаликни бошқаришда йўл қўйган камчиликлари учун огоҳлантирилган. Камчиликларни бартараф этиб, кадрларни жой-жойига қўйиш борасида зарур тадбирлар кўрилган.

Совхоз партия комитети хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш тадбирларини кўрган.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СОФИЯ. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, совет бинокори Николай Злобининг методи Болгарияда қурилиш соҳасида тобора кенг тадбиқ этилмоқда. Қурилиш ва архитектура министрлиги шу методни кенг ёйиш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Бунинг учун махсус курслар ташкил қилинди, тажрибаларни ўртоқлашиш учун ўнлаб учрашувлар ўтказилди.

Ҳозирги вақтда Болгария Халқ Республикасида 600 дан кўпроқ бригада совет новаторининг методи асосида ишламоқда.

ГАВАНА. Кубадаги Ольгин шаҳри яқинида (Орьенте вилояти) қурилаётган «КТП-» маркали шакар қамиш ўриш комбайнлари заводини Кубада Куба-Совет дўстлиги қурилиши, деб атамоқдалар.

Завод конвейеридан чиқарилаётган машиналар мингминглаб шакарқамиш ўрувчиларни огир меҳнатдан озод қилиб халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ишга юбориш имкониятини беради. Совет ва Куба инженерлари бирганликда яратган юксак унумли «КТП-1» комбайнлари Куба Компартияси I съезди ининг қандшакар ишлаб чиқаришни 1980 йилга бориб йилига 8,7 миллион тоннага етказиш тўғрисида қўйган вазифасини бажаришга салмоқли ҳисса қўшади.

ВАРШАВА. Польша ва Совет Иттифоқи автомобилсозлари замонавий автомобиллар яратишда ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқдалар. Совет автомобиль заводлари қўрдош мамлакатларга ҳар хил комплекс деталлар, подшипниклар, ойна, эшик дастаги ва шу сингарилар юбормоқда. Ўз навбатида биз жуда кўп «Жигули» машиналарига Польша Халқ Республикасидан амортизаторлар, термостат, электр асбоблари олиб турибмиз.

Ихтисослаш ва кооперативлаш шу буюмларни кўп миқдорда, юксак техникавий савияда ва камроқ сарф билан чиқариш имкониятини беради. Ҳар иккала мамлакат автомобилсозлари ўртасида бундай ҳамкорлик тинмай кенгаймоқда.

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголияси туялар сонининг кўплиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Халқ хокимияти йиллари мобайнида уларнинг сони уч баравар кўпайди ва ҳозир 600 мингтадан ошди. Чорвачиликнинг бу муҳим тармоғи гўшт ва тўйимли сутдан ташқари юксак сифатли жун ҳам беради. Республикада тайёрланаётган барча жуннинг қарийб бешдан бир қисми туя жунидир. Гоби чўлининг огир шароитида ҳўра ва чиқамли мол ҳисобланган туялардан юк ташиш учун ҳам кенг фойдаланилмоқда.

(ТАСС, 26 март).

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Бутун мамлакат бўйлаб Болгария Коммунистик партиясининг навбатдаги XI съезди шарафига социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди.

Суратда: мусобақа пешқадамлари — Нахо Иванов номли тўқимачилик комбинатининг КПСС XXIV съезди номидаги бригада аъзолари иш устида.

БТА-ТАСС фотоси.

АРГЕНТИНАДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 25 март. (ТАСС). Аргентинада қуролли кучлар қўмондонлиги давлат тўнтариши қилганидан сўнг, мамлакатда «бир мунча осойишталик» сақланиб турди. Буэнос-Айресдан олинган хабарларга кўра, пойтахтда ҳукумат биноларидан, юқори мансабдорларнинг уйлари ва чет мамлакатлар элчихоналарининг теваракларида ҳарбий бўлинмалар жойлаштирилган. Кўчаларда ҳарбий юк машиналари ва полиция автомашиналари соқчилик қилиб юрибди. Банклар, мактаблар ва университетлар ёпиб қўйилган.

Ҳарбий хунта сиёсий соҳада кўриладиган бир қанча чораларни эълон қилди. Информация агентликларининг маҳбирлари уларни «қатиқ» чоралар деб таърифламоқдалар. (Президент ва губернаторларнинг ваколати ҳақиқий эмас, деб эълон қилинди. Миллий конгресс тарқатиб юборилди, олий суд ва бошқа суд органларининг аъзолари ишдан олиб ташланди. Министрлардан тортиб, шаҳар маҳкамаларининг ходимларигача давлат хизматчиларининг вазифаларини қуролли кучларнинг офицерлари бажаряптилар. Сиёсий партиялар ва касаба союзларнинг фаолияти тўхатилиб қўйилди. Оммавий информация воситаларининг хабарларига цензура жорий этилди. Уларга мамлакатдаги вазиятга баҳо беришда расмий ахборотлардангина ф

ТАРБИЯВИЙ ИШ ТУҒРИСИДА ГАПИРГАНИМИЗДА, УРТОҚЛАР, БУ ИШДА СОВЕТ АРМИЯСИ УЙНАЕТГАН ЖУДА КАТТА РОЛГА ТУХТАМАСДАН ЎТИБ БУЛМАЙДИ. ЙИГИТЛАР ҲАЕТ МАКТАБИНИ ЎТМАЙ ТУРИБ, СОЛДАТЛАР ОИЛАСИГА ҚИРИБ КЕЛАДИЛАР. ЛЕКИН УЛАР ЧИДАМ ВА ИНТИЗОМ МАКТАБИНИ ЎТИБ, ТЕХНИКАНИ, ПРОФЕССИОНАЛ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ВА СИЕСИЙ ТАЙЕРГАРЛИККА ЭГА БЎЛИБ, АРМИЯДАН ОДАМ БЎЛИБ ҚАЙТИБ КЕЛАДИЛАР.

БИЗНИНГ АРМИЯМИЗ СОЦИАЛИСТИК ВАТАНГА, ТИНЧЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ ҒОЯЛАРИГА, ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ҒОЯЛАРИГА ЧУҚУР СОДИҚЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАНГАН. СОВЕТ АРМИЯСИ УЗИНИНГ МАНА ШУ ФАЗИЛАТЛАРИ БИЛАН БУРЖУА АРМИЯЛАРИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ. ХУДДИ ШУНИНГ УЧУН ҲАМ СОВЕТ КИШИЛАРИ УЗ АРМИЯСИНИ СЕВАДИ ВА У БИЛАН ФАХРЛАНАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси, комсомол аъзоси ефрейтор А. Болдирев хизматда доимо бошқаларга намуна бўлмоқда.

Шу кунларда аълочи солдат партия XXV съезди материалларини эътибор билан ўрганиб чиқмоқда. У бу йил ўз олдига яна ҳам юксакроқ марраларга эришишни мақсад қилиб қўйган. А. Болдирев ўзи бошчилик қиладиган бўлинманинг жанговар тайёргарлигини энг юксак даражага кўтариш учун тинмай курашмоқда.

Суратда: ефрейтор А. БОЛДИРЕВ.

ЎН ОЛТИ ЖОЙИДАН ЯРАЛАНИБ

Яқинда Ангрен шаҳрида Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан область педагогика институти студентларининг учрашуви бўлди. Учрашувда Улуғ Ватан уруши ветеранлари жанг хотираларидан гапириб беришди.

Ўзининг 30 йилга яқин умрини ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга бағишлаган кекса педагог Абдувоҳид Эшонқуловнинг жанг хотиралари учрашув қатнашчиларида айниқса катта таассурот қолдирди.

1942 йили 29 декабрдан 30 декабрга ўтар кечаси Дон дарёси бўйидаги шиддатли жангларда у 16 жойидан яраланди. Лекин жанг майдонини ташлаб кетмади, олга интилди. Фашистларнинг бу ердаги «Мустаҳкам» деб номланган қалъаси барбод бўлгач, Абдувоҳид Эшонқулов шу ердаги санитария бўлимига олиб келинди. Шифокорлар ўзбек йигитининг 16 жойидан яраланганлигини кўриб, унинг жасоратига тан бериб, руҳан тетиклигига қойил қолдилар. Жасур жангчи ўнг кўзи ва ўнг оёғидан оғир жароҳатланган эди.

Госпиталда анча вақт даволангач, яна жангга кирди. У душманни Берлингача қувиб боришда қатнашди.

Урушдан сўнг А. Эшонқулов ўзи севган педагоглик касбини давом эттирди. 1971 йили эса пенсияга чиқди. Устозимиз беҳисоб шогирдлари бугунги кунда бепоён Ватанимизнинг турли жойларида меҳнат қилишмоқда. Улар орасида йирик олимлар, шифокорлар, таниқли меҳнат қаҳрамонлари бор.

А. ИНОҚОВ.

У КУНЛАР ШУҲРАТИ СЎНМАС

ҲАСАНБОЙЛИК ҚАҲРАМОН

Тошкент районидаги Ильич номли колхоз раиси, Саъди Рахматуллаевни бундан 33 йил муқаддам мукофотланган «Қизил Юлдуз» ордени «излаб» келибди, деган хушхабар тарқалди. Ахир уруш тугаганига 31 йил бўляпти. Мукофотлар ҳали ҳам эгаларини «қидириб юрган» экан да, деб одамлар ҳайратланишарди.

Колхоз идорасига кираверишда қорачадан келган, ўрта бўйли, сал тўлароқ кишини учратдик. Худди шу одам биз истаб борган қаҳрамон экан. Ўша орден тарихини Саъди аканинг ўзи сўзлаб берди:

— Мен хизмат қилган 1-гвардиячи кавалерия корпуси 1943 йилнинг октябрь ойида Днепр дарёсининг уч жойидан кечиб ўтди. Энди навбат Киев шаҳрини озод қилишга келган эди. Мени командир чақириб қолди. Мен бошчилик қилаётган разведкачилар взводига Киев шаҳрининг шимоли-ғарб чегарасидаги душманнинг ўт очиш нуқтасини аниқлаш топширилди.

— Вазифа жуда оғир аммо шарафли, сенга омад тилайман, — деб командир елкамга қоқди.

— Ишончингизни оқлайман, ўртоқ командир! — деб чиқиб кетдим.

Ун икки киши разведкага шайландик. Ўзим даставвал борар жойимизни обдон кузатдим. Сўнг зовур бўйлаб йўлга тушдик. Эҳтиёткорлик билан душманнинг ўт очиш нуқтасини аниқлаб, ўзимизникиларга маълум қилиб турдик. Деярли барча нуқталарни билиб олдик. Тўплар жойлашган нуқтани аниқлаш ҳаммадан ҳам зарури эди. Енимда тўрт солдат қолган эди. Донлик Толмашев, сиёрлик Криванов ва ака-ука Поповлар. Улар ғоят чаққон, сезгир йигитлар эди.

Илгарилаб кетган Криванов хурсанд бўлиб ёнимга қайтиб келди.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўрадим.

— Чап тарафдаги дўнгликнинг ёнида тўп борга ўхшайди. Шох-шаббалар тўплангани бежиз эмас, — деди.

Шерикларимизни жой-жойига қўйиб илгарилаб кетдик. Жуда ҳам эҳтиётлик билан Криванов айтган нуқтани аниқлаб, ўзимизникиларга маълум қилдик. Ҳақиқатан ҳам Криванов аниқлаган жойда артиллерия жойлашганлиги маълум бўлди.

Биз аниқлаган нуқталар аниқ чиқди. Эртасига полкдошларимиз душманнинг таъзирини беришди. Қўлимиз баланд келди. Шунинг учун 1-гвардиячи кавалерия корпусининг командири Барановнинг тавсияси билан мана шу орден билан тақдирланган эканман.

Саъди ака кўкрагидаги қўш «Қизил Юлдуз» орденининг бирини кўрсатди.

— Иккинчи орденни қайси жангда олгансиз? — деб сўрадик.

— Ушанда 2-гвардиячи кавалерия корпусининг 67-полкида взвод командири эдим. Берлиндаги жанг учун иккинчи марта «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирландим. Медалларни эса Киев, Варшава, Берлинни озод этишда қатнашганим учун олганман...

Фронтдан қайтгач, колхозда ишладим. Сўнг раис қилиб сайлашди. Ҳукуматимиз меҳнатларимни қадрлаб, «Октябрь революцияси», «Меҳнат Қизил Байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотлади.

Ҳозир Ильич номли колхоз пешқадам хўжаликлар сафида. Соҳибкорлар шаҳарликлар дастурхонини сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, Ҳасанбой узуми, меваси билан тўкин-сочин қилмоқдалар. Собиқ жангчи, сабзавоткор деҳқонлар саркори Саъди ака Раҳматуллаев бу ишларга бош ёш.

С. ҚОДИРОВ,
Ю. ЗИЁДОВ.

Комсомол аъзоси, кичик сержант Николай Деюн механик бўлиб хизмат қилмоқда. Навбатдаги машғулотда у яна дўстларига ўрнак бўлиб, командир ташаккурномасига сазовор бўлди. Суратда: Н. Деюн.

КОММУНИСТ БОШЛИҚ РОТАДА

Мотоўқчилар ротаси ўз олдига олий мақсад қўйган. Улар аълочи рота деган номни сақлаб қолишга аҳд қилишган. Ротага тажрибали командир коммунист Валерий Кукса бошчилик қилади. У шогирдларига ҳарбий билим ва техникани мукаммал ўргатиш билан бирга ҳамиша маслаҳатини аямайди.

Мана, навбатдаги машқларни бошлаш олдидан у солдатларга яна бир марта далда берди.

«Олға» командаси янграши билан машиналар чангтўзон кўтариб, тоғ тизмалари томон йўл олишди. Бир зумда «жанг» бошланиб кетди. Қулоқларни ларзага келтирувчи портлаш овозлари, пулемет ва автоматларнинг бир текисда «сайраши» ҳамма ёқни қоплаб олган эди. Оддий аскарлардан А. Фаттохов, Б. Қамбаров, И. Колесников ва бошқалар граната улоқтириб душман танкларини яксон қилдилар.

Автоматчилар ва пулеметчилар ҳам «жанг»ни жуда қизитиб юбордилар. Уларга иккинчи командир, коммунист А. Иванов бошчилик қилди. «Душман» қанчалик уринмасин мотоўқчилар ротаси жанговар ҳаракат қилиб, аввалига барча зарбаларни қайтарди. Сўнгра эса ҳужумга ўтди. Тепалик ишғол қилинди. Машқ аъло даражада бажарилди.

Ленин хонасида жанговар варақа пайдо бўлди. Унда жанговар машқда қатнашган ва алоҳида ўрнак кўрсатган солдатларнинг номлари таъкидланган бўлиб, машғулотга моҳирлик билан раҳбарлик қилган командирларнинг номлари ҳам ёзилган, бошқа роталарни пешқадамларга тенглашишга чақирилган эди.

Солдатлар машқдан кейин қаттиқ чарчашган бўлишсада, варақани кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетишди. Машқнинг муваффақиятли ўтишида командирлари, коммунистлар В. Кукса, А. Иванов, В. Нагорнийларнинг хизмати катта эканлигини улар яхши тушунардилар.

Ю. КАРАУЛОВ,
старший лейтенант.

ЎНИНЧИ «ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ»

Исоқ ака Холов «Коммунист» колхози (ҳозирги Свердлов номли совхозининг 2-бўлими)да пахтачилик звеносига бошчилик қиларди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ у ҳамкишлоқлари, М. Усмонов, Т. Жўрабоев ва бошқалар билан бирга Ватан ҳимоясига отланди.

3-Украина фронтидаги 419-махсус тўпчилар полкида хизмат қилган янгийўлдлик жангчи Украина, Румния, Болгария, Венгрия, Австрия ва Югославия халқларини фашизм асоратидан қутқариб қолиш учун бўлган ҳаёт-мамот жангларида иштирок этди.

Австриянинг пойтахти Вена шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жанг унинг ёдида айниқса ўчмас из қолдирди. 1945-йил апрель кунларининг бирида Исоқ ака хизмат қилаётган тўпчилар полки кутилмаганда душманнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Навбатдаги ҳужумдан анча чарчаган, ҳорғин полк қўшимча куч кутарди. Ана шундай пайтда душман катта куч ва танк билан қаршилик кўрсата бошлади. И. Холов командирлик қилган тўп расчёти душман танкларига қарата отишмани кучайтириб юборди. Шиддатли олишувда душманнинг 2 танки ва жуда кўплаб солдатлари яксон қилинди. Энг асосийси, душман зарбаси қайтарилди. Худди шу пайтда тўпчиларга ёрдам кучи етиб келди. Биргалашиб ҳужумга ўтган жангчилар кўп ўтмай Венани ҳам душмандан озод қилдилар.

Ана шу жангда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган Исоқ Холов «Қизил Юлдуз» ордени билан тақдирланди. Бу унинг учинчи «Қизил Юлдуз» ордени эди. Бунгача ўзбек жангчиси икки марта Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотини олишга сазовор бўлганди. Исоқ ака Холов урушнинг сўнгги кунигача жанг қилди. У ғолиблар сафида ғалаба нашидасини суриш шарафига муяссар бўлди.

Запасдаги катта сержант И. Холов айни кунларда Янгийўл районидаги Свердлов номли совхозининг 2-бўлимида ишламоқда.

Хўжаликда энг илғор ҳисобланган бу бўлим шаҳарликларга мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етказиб бериб, ўз план ва мажбуриятларини ошириб бажармоқда.

Бунда учта «Қизил Юлдуз» ордени ва қатор медаллар эгаси, тинч меҳнатда ҳам ўрнак кўрсатаётган Исоқ ака Холовнинг ҳам хизматлари бор.

Х. МИРЗАЕВ.

АСКАР ЙИГИТ ҚЎШИҒИ

Мана бугун мен ҳам ҳарбий хизматда
Ватанни қўриқлаш шарафли бурчим.
Сергак туражакман ҳар бир фурсатда,
Ватаним, халқимнинг тинчлиги учун.
Отамку Ватан деб берган жангда жон,
Халқимни деб қўйган Она ерга бош.
Гўё отам бошин силайди ҳар он,
Шу Она тупроққа нур сочган қуёш.
Мен ҳам отам каби содиқман Ватан,
Оталар туфайли ёв изи ўчган,
Отамни кўрмаган бўлсам ҳам зеро,
Отам қалбин чўғи қалбимга кўчган.
Мана бугун мен ҳам ҳарбий хизматда,
Ватанни қўриқлаш шарафли бурчим.
Сергак туражакман ҳар бир фурсатда,
Ватаним, халқимнинг тинчлиги учун.

Адолат КЕЛДИЕВА.

ВЕТЕРАНЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Тошкентда уруш ветеранлари комитетининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уруш ветеранлари Тошкент комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Бобоев йиғилишни очиб, партиямизнинг XXV съезди қарорларини аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилишда уруш ветеранлари актив иштирок этишлари лозимлигини уқтирди.

Шундан сўнг уруш ветеранлари Тошкент комитети идеология комиссиясининг раиси, отставкадаги генерал-майор В. Е. Сохатский йиғилишда уруш ветеранлари Тошкент комитети секциялари ишлари ва уларнинг келажакдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Докладчи уруш ветеранлари жойларда бўлиб, партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилишда актив иштирок этиб келаётганликлари тўғрисида мисоллар келтирди.

Йиғилишда комитетнинг 1976 йилги планлари тасдиқланди. Шу билан бирга В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллиги, коммунистик шанбалик ва Улуғ Ғалабанинг 31 йиллигига тайёргарлик кўриш тадбирлари белгиланди.

«Н»-бўлинмасидаги бу взвод аъзолари партиямиз XXV съезди тарихий қарорларини катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Партиямиз мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ва Қуролли Кучларни такомиллаштиришга катта эътибор бериб келмоқда. Взвод жангчилари ана шу ғамхўрликка жавобан жанговар тайёргарлик ва ғоявий чиниқишда бўлинмадаги бошқа взводлар ўртасида алоҳида ўрнак бўлмоқда. Бу ишда взвод агитатори комсомол аъзоси Владимир Козиннинг муносиб ҳиссаси бор. Суратда: взвод аъзоларидан бир группаси съезд материалларини ўрганишмоқда.

А. Асанов фотолари.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг Улуғ Ватан урушига бағишланган залига қўйилган суратларда оддий бир йигит жилмайиб турибди. У Берлинни олишда иштирок этган, Рейхстагда ўз дастхатини ёзиб қолдирган, ҳозир республика пахта тозалаш министрлиги марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюросига бошчилик қилаётган Абдулла Ризаевдир. У билан учрашганимизда шундай деди:

— Дастлабки марта Смоленск шаҳрида жангга кирдим. Ушанда 18 ёшда эдим. Фронтдош дўстларим билан қанча-қанча дарёлар, мамлакатларни босиб ўтиб, Берлингача бордим...

Абдулла Ризаев ўзи ҳақида унчалик кўп гапирмади. Кўксини кўплаб жанговар мукофотлар безаб турган бу киши кўпроқ қуролдошлари тўғрисида ҳикоя қилди.

Музейнинг Улуғ Ватан урушига аталган залида хотин-қизларнинг фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари ҳақида ҳам кўп нарса билиб олиш мумкин. Ўша йиллари фронтнинг энг қизғин ерида жанг қилган хотин-қизлар орасида младший лейтенант Солиҳа Давронова ҳам бор эди.

...1942 йил. Сталинградда бўлиним командири янги келганларни қаоул қилмоқда. Кўплаб йигитлар орасида ўзбек қизи ҳам бор эди. Тажрибали, уруш кўрган командир Солиҳа Давронова зимдан қараб, бу қиз фронтда ҳали кўп ёрдам бера олишини дилдан ҳис қилди.

Чиндан ҳам бир неча кундан сўнг Солиҳа ҳақиқий довюраклик кўрсатди. У немислар ўқ ёғдириб туришига қарамай, кўплаб жангчиларни жанг майдонидан омон-эсон олиб чиқди. 1943 йилнинг охирларида ўзбек қизи жанг қилган батальон душман қўл остидаги қишлоққа ҳужум бошлади. Лекин, дастлабки дамлардакоқ батальоннинг омади келмади: душманнинг бир дайди ўқи командирни сафдан чиқарди. Ана шундай мураккаб пайтда Солиҳа Давронова командирликни ўз қўлига олди. Ушанда у комсомол ташкилотига етакчилик қилар эди. Қишлоқ эгалланди. 300 дан зиёд душман офицер ва солдати асир олинди. Улар сўроқ қилинаётганда қўлга тушган офицерлардан бири Солиҳага таажжубланиб боқди.

— Бу аёл киши-ку! Наҳотки биз шу аёлга асир тушган бўлсак?...

Биз Солиҳа Давронова жанговар ҳаётидан бир лавҳанигина келтирдик, холос. Кўксини безаб турган орден ва кўплаб медаллар ўзбек қизининг урушда кўрсатган жасоратидан далолат бериб турибди.

Музей залларини айланар экансиз, мамлакат учун оғир даврда фронт орқасида туриб жангчиларимизни қуллаб-қувватлаб турган, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатган республикамиз меҳнаткашлари ҳақида ҳам кўплаб янги маълумот оласиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ҳ. СОДИҚОВ.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

НАМУНАЛИ ХИЗМАТИ УЧУН

Қисмимизда Толибжон Шодневни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Узининг меҳнатсеварлиги, қуролдошларига меҳрибонлиги туфайли ҳам Толибжон шундай эътиборга сазовор бўлган.

Дўстимиз ҳарбий хизматни бошлаганида аввалига бироз қийналди. Армия ҳаётига кўникмаганлиги учун дастлаб машқларни командирлар талаб қилгандек бажара олмас, лекин ниҳоятда борича тезроқ ҳарбий турмуш кўникмасини олишга интилар эди. Толибжонга бу борада анчагина тажрибали бўлган қуролдош дўстлари яқиндан ёрдам бердилар. Запасга бўшашига оз қолган солдатлар ёш аскарга ўз билганларини ўргатдилар, оғир топшириқларни бажаришда қуллаб-қувватлаб турдилар. Бу тез орада ўзининг самарасини берди. Толибжон аълочи солдатлар сафидан ўрин олди.

Ушанга ҳам бир ярим йил бўлипти. Мана энди Толибжоннинг ўзи ёш солдатларга тажриба ўргатмоқда, уларни Ватан олдидаги бурчларини ўташларида яқиндан ёрдам бермоқда.

— Оддий аскар Толибжон Шоднев!

— Мен.

Толибжон икки қадам олдинга чиқди.

— Бурчингизни аъло даражада ўтаётганлигингиз ва энг кейинги машқда ўрнак кўрсатганлигингиз учун ун беш суткалик отпуска билан тақдирланасиз.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Рота командири капитан Сухаревнинг «вольна» командасидан кейин Толибжонни дўстлари ўраб олиб бирингкетин табриклаша кетди.

Аълочи солдат уйига отпускага келмоқда...

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ,
оддий солдат.

АЪЛОЧИ АЛОҚАЧИ

Ҳурматли редакция! Отларимизнинг шонли традицияларини муносиб давом эттириб, Ватан олдидаги бурчини аъло даражада ўтаётган дўстим Абдукарим Ҳожибеков ҳақида ёзяпман.

У билан бирга хизматга отланган эдик, мана, эртанидин бурчимизни ўтаб бўлиш арафасида турибмиз. Дўстим А. Ҳожибековнинг расми бўлинма аълочилари сафидан жой олган. Жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси А. Ҳожибеков бир неча бор командирлик томонидан фахрий ёрлиқлар ва рахматномалар билан тақдирланган.

Маълумки, жанговар машғулотларда операциянинг ҳар томонлама муваффақиятли бажарилиши биринчи галда алоқачиларнинг аниқ ҳаракатига боғлиқ. Кўп ўтмай, биринчи классли радист даражасига кўтарилган А. Ҳожибеков жанговар ва снёсий тайёргарлик аълочиси нишондори ҳам бўлди.

Аълочи алоқачи А. Ҳожибековнинг хизматидан бўлинма ва рота командирлари ҳам хурсанд. Улар ана шундай фарзанд етиштирган Абдукаримнинг ота-онасига миннатдорчилик мактублари йўллашди.

К. НАЗАРОВ,
оддий солдат.

САНЪАТ — ХАЛҚНИКИ

ХАЛҚАРО театр куни санъат ходимлари ва кўп миллионли томошабинларнинг гўзал байрамига айланиб қолди. Бугун у ўн бешинчи марта нишонланмоқда. Совет Иттифоқида бу байрам «Ижодий меҳнатимиз — жонажон Коммунистик партияга» шиори остида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Театр жамияти раисининг ўринбосари Б. Н. НАСРИДДИНОВ мухбирларимизнинг илтимосига кўра Ўзбекистон саҳна ижодкорлари ўз байрамларини қандай ютуқлар билан кутиб олаётганликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— БУГУНГИ кунда театр санъати энг демократик, ҳозиржавоб ва ҳамманинг қалбига етиб борувчи санъатга айланди, — дейди Баҳодир Насриддинович Насриддинов. — Мамлакатимизда ҳозир 560 театр мавжуд. Ҳар йили уларда 110 миллиондан ортиқ киши томоша кўрмоқда. Саҳна санъатининг ўзига хос алоҳида хусусияти шундан иборатки, асар воқеалари бевосита томошабинлар кўз ўнгида содир бўлади ва бу театрнинг улуғвор ғоявий-бадиий таъсир кучини оширади.

Биз санъат ходимлари давримизнинг барча энг муҳим воқеалари ва ҳодисаларига сергак ва изчиллик билан ҳозиржавоб бўлиш, коммунистик қурилиш ишида партияга актив кўмаклашишда ўз бош вазифаларимизни белгилаб оламиз.

Бу йилги театр байрами биз учун айни бир вақтда катта ижодий синов ҳамдир. Ўзбек саҳнаси усталари бу кўрикка катта қувончли ютуқлар билан келмоқдалар. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, республика театрлари кейинги вақтларда томошабинлар талабларини ҳисобга олган ҳолда кўпгина ажойиб спектакларни саҳнага қўйди. Бу асарларнинг бош қаҳрамони — меҳнаткаш инсон, замондошимиз. Ана шу ўринда Горький номидаги рус академик драма театрининг постановкалари таҳсинга сазовордир. Жумладан, Александр Гельманнинг «Бир мажлиснинг протоколи» спектакли диққатни ўзига тортади. Жуда кўп саҳналарда қўйилган бу асар мавзуида изчил замонавий тема ётади. Ҳар қайси томошабин спектаклдан ўзига зарур, ҳаётий, муҳим хулоса чиқариб олади. Чунки, асарда коммунистик жамият қурувчиси образи тўлақонли ва ишонарли талқин қилинган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, сўнгги йиллардаги театр санъатининг характерли хусусиятларидан бири — замонавий темани ўзлаштиришдир. Бу тема Горький номли театрнинг Александр Вампилов пьесаси асосида саҳналаштирилган «Ўтган йил ёзида Чулимскда» спектаклида ўзининг қизиқарли ифодасини топган. У ёрқин таассуротларга бой. Бу яна шундан далолат берадики, театримиз катта ижодий имкониятларга эга, унда кўпдан-кўп қобилиятли режиссёрлар, актёрлар, рассомлар меҳнат қилмоқда. Бугун—байрам кунида театр Анатолий Сафронов пьесаси асосида яратилган «Мерос» спектаклини кенг жамоатчиликка намойиш этади. Спектаклнинг бош мавзуи — ёшлар тарбияси.

Мукимий номидаги Давлат музикали театри «Ҳангома» монтаж спектаклини тайёрлади. Унга турли даврлардаги саҳна асарларидан лавҳалар киритилган. Биз унда СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамраев ижро этган афсонавий Насриддинни кўрамиз. Чунончи, спектаклда сўнгги йилларда томошабинлар ўртасида довруғ қозонаётган икки ёш актёр — Юлдуз Исматова ва Шуҳрат Расулевлар ўз маҳоратларини намойиш этишган.

Бошқа коллективлар қатори Мукимий номли театр артистлари ва режиссёрлари ҳам замонавий темани ҳал этишга катта куч ва ғайрат сарфламоқдалар. Масалан, ҳозир ёш драматург Ҳ. Расулнинг «Жонажон ўлкам» пьесаси устида иш олиб борилмоқда. Республикамизнинг бугунги ҳаётига бағишланган ва ўзбек меҳнаткашларининг шонли ишларини тараннум этган бу асарга таниқли композитор Матниёз Юсупов музика басталади. Айни бир вақтда Жуманиёз Жабборовнинг «Йиллар ўтар» (Иқром Акбаров музикаси) пьесаси асосида яратилаётган спектаклнинг сўнгги репетициялари давом этмоқда.

БУГУН—ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

Ҳамза номли академик драма театри томошабинларимизга яхши туҳфа тайёрлади. Театр Евгений Шварцнинг жамоатчиликка кенг маълум бўлган «Қор маликаси» пьесаси асосидаги спектаклни саҳнага қўйди. Зеро, бу театр ҳақида гап кетганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кейинги йилларда бу машҳур санъат даргоҳида талантли ёш артистларнинг катта плеядаси ўсиб вояга етди. Улар ўзбек саҳнасининг атоқли усталари Шукур Бурҳонов, Олим Ўҳажев, Сора Эшонтўраевалар билан бир safda сўнгги йилларда яратилган энг яхши спектакларда етакчи ролларни ижро этмоқдалар. Бу йилги театр байрами коллектив ёшлари учун ижодий ҳисобот куни бўлиб қолади. Томошабинларга кенг таниларн Гуля Зокирова, Диля Икромова ва бошқа актёрлар Гоголнинг «Ўйланиш» спектаклида ўз санъат маҳоратларини намойиш этадилар.

Бошқа ижодий коллективлар ҳам байрамга қувончли ютуқлар билан келмоқдалар. Масалан, «Ёш гвардия» театри Мольернинг «Скапеланинг иши» пьесасини, рус ёш томошабинлар театри эса «Фейерверг» ва »... ҳақда баҳслашамиз» пьесаларини саҳналаштирди.

Ижодий ва ишлаб чиқариш коллективларининг чамбарчас дўстлиги ўзбек театри муваффақиятларининг муҳим манбаидир. Бу дўстлик театр ходимларига замондошимиз характерини бир мунча тўлақонли очиб беришга ёрдам бермоқда.

Тошкент театрларининг завод ва фабрикаларнинг ишчилари, қурувчилар ҳамда пахтакорлар билан оталиқ алоқалари кўпдан давом этиб келади. Актёрлар цехларда, қурилиш майдонларида, дала шийпонларида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, ўз навбатида ишчи ва колхозчилар ҳам кўпгина ижодий коллективларнинг тез-тез меҳмони бўлиб туришади. Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри билан Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ўртасидаги, Тошкент оперетта театри билан В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, Ўзбекистон давлат филармонияси билан Оққўрғон ва Қуйи Чирчиқ районлари дала меҳнаткашларининг яқин ҳамдўстлиги бунга ёрқин мисолдир.

Кейинги йилларда бундай ҳамкорлик кенг қулоч ёзди. Санъаткорлар билан меҳнаткашларнинг алоқалари мустаҳкамланди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, санъатни ҳаёт илми билан бойитиш, иккинчи бир томондан эса кўп миллионли меҳнаткашлар оммасини маданият дурдоналаридан янада кенгроқ баҳраманд этишдек жонли бир жараён ҳукм суряпти.

Тошкент областида пойтахт театрларининг филиаллари очилмоқда. Бу ташаббус даставвал мамлакатимиз пойтахти Москвада туғилган эди. Ўзбекистон санъат ходимлари ҳам бу эстафетани яқдиллик билан қабул қилдилар. Партиямиз XXV съезди иши давом этаётган кунларда яна бир янги ижодий ҳамкорлик вужудга келди: Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри кончилар ва металлургларга шаҳри — Олмалиқда ўз филиалини очди. Чирчиқда М. Горький номидаги театр филиалининг вужудга келиши яна бир қувончли воқеа бўлди. Бу ҳамкорликдан асосий мақсад спектакллар намойиш этиш, семинар ва лекторийлар ташкил этишдангина иборат бўлиб қолмай, балки совет меҳнаткашлари қаттотликка оид обида ва асарларни сақлаш ҳамда тарғиб қилишдек ишга раҳбарлик қилади; реставрация ишларини бажаришда давлат органларига ёрдам беради; аҳоли орасидан, муассаса ва ташкилотлардан жамиятга аъзолар жалб этади; тарихий ва маданий ёдгорликларнинг барча турини аниқлайди, уларни сақлаш ва атрофини ободонлаштириш юзасидан жамоатчилик ёрдами билан тадбирлар ўтказади.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш область Советининг иш фаолияти кенг тармоқлидир. Область, район ва шаҳар газеталарида жамиятимиз активларининг моддий-маданий ёдгорликларни кенг оммага тушунтирувчи қатор мақолалар чоп этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1973 йил 21 декабрь қарори билан областимизда 215 та археология, 36 та меъморчилик, тарихий ва маданий ёдгорликлар рўйхатга олиниб, жойлардаги меҳнаткашлар депутатлари Советларининг махсус қарорлари билан тасдиқланган. Областимиздаги барча тарихий ва маданий ёдгорликларни ташкилотлар, мактаб ва муассасалар ўз оталиқларига олиб, уларни сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини олиб борадилар, жойлардаги жамоатчи инспекторларимиз уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳозирги кунда областимизнинг бир қанча шаҳар ва районларида, жумладан, Ангрен, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларининг Ўлкашунослик музейларида, Янгийўл районидаги «Занги ота» меъморчилик ёдгорлиги биносида, Янгийўл шаҳридаги 5, 10-12, Ангрендаги 21-мактабларда, Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб-интернатда ва бошқа жойларда археологик тошпилмалар, монументал ва тарихий санъат ёдгорликларининг фото-кўргазмалари ва стендлар ташкил этилган.

Жамият ҳар йили апрель ва май ойларида тарихий ва маданий ёдгорликларни ободонлаштириш ва муҳофаза қилиш ойлигини ўтказишга қарор қилди.

Шу муносабат билан Тошкент область ижроия комитети, область комсомол комитети, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш Тошкент область Совети ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мавзуида ёзилган энг яхши адабий асарлар, халқ талантлари қўли билан ясалган энг яхши маданий ёдгорликлар акси ва суратларни учун конкурс эълон қилади.

Конкурсга шоир ва ёзувчилар, халқ талантлари, фотографлар, шунингдек, барча қизиққан ўртоқлар таклиф қилинади.

Конкурсга янги, илгари эълон қилинмаган шеърлар туркуми, ҳикоя ва очерклар, архив ҳужжатлари билан асосланган тарихий эсдаликлар, маданий ёдгорликларнинг макетлари ва суратлари қабул қилинади.

Конкурсга юборилаётган материаллар машинкада 2 интервалда 6—8 қоғозда ошмаслиги шарт. Суратлар 40х30 см ҳажмида бўлиши керак.

Конкурс тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ойлиги ўтказилаётган кунларда якунланади.

Конкурсга юборилаётган барча асарлар ва расмлар кечи билан 20 апрелгача жўнатилиши керак. Қўлёзмалар, сурат ва макетлар эгаларига қайтарилмайди.

Энг яхши асарлар мукофотланади ва «Тошкент ҳақиқати» ҳамда район газеталарида эълон қилинади.

Конкурс голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилди:

Битта биринчи мукофот — 175 сўм
Иккита иккинчи мукофот — 125 сўм
Учта учинчи мукофот — 75 сўмдан.

Конкурсга йўлланган асарлар қуйидаги адресга юборилсин.

Тошкент шаҳри, ГСП, 700000, Правда Востока кўчаси, 24. Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш Тошкент область жамияти.



«ЧИРЧИҚДА БАҲОР ТОНГИ». В. Таран фотоэтюди.

КОНКУРСДА ҚАТНАШИНГ

Спорт

СПОРТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон Журналистлар Союзи ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети томонидан ташкил этилган спорт журналистларн семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раиси ўртоқ М. Иброҳимов КПСС XXV съезди қарорлари асосида Ўзбекистонда физкультура ва спортнинг аҳволи ва уни янада ривожлантириш чораларига бағишланган республика кенгаши муносабати билан журналистлар олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Ўзбекистон телевиденеси ва радиоэшиттириш давлат комитети спорт комментатори Р. Турпишчев, «Правда Востока» газетаси бўлим мудири Б. Валл, ЎзТАГ мухбири Е. Ефимов, «Советский спорт» газетаси мухбири С. Балакин, Самарқанд области «Ленинский путь» газетаси ходими Я. Бахман ўртоқлар сўзга чиқиб, республикада физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришда партия ва ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, матбуот, телевидение ва радиода спортни янада кенг пропаганда қилиш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

КАМИДА—БРОНЗА

Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари мамлакатнинг эллигинчи юбилей чемпионатида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ тўрт боксчимиз ярим финалга йўлланма олиб, ҳеч бўлмаганда бронза медалларини қўлга киритадиган бўлдилар.

Армиячи Феликс Пак ҳар галгидек рингда дадил ҳаракат қилмоқда. У ярим финалга бу гал динамочи В. Ткаченкони маглубиятга учратиб йўлланма олди. 67 килограмм вазнда «жанг» қилаётган Владимир Юдин ҳам «Динамо» вакили В. Мотькин устидан ғалаба қилди. Жаҳон чемпиони Руфат Рискиев чорак финалда уфалик боксчи Р. Мустафин билан учрашиб, мусобақаларнинг навбатдаги босқичига чиқди.

Яна икки боксчимизда ҳам чемпионатни муваффақиятли давом эттириш имкониятлари бор. Ринат Хайрутдинов, Владимир Шинлар Свердловск рингида дуруст натижа кўрсатаётганликлари улар кейинги учрашувларни ҳам кўнгилдагидек ўтказадилар дейишга асос бўла олади. Бу икки боксчимиз навбатдаги «жанг»ларда ярим финал йўллаимаси учун курашадилар.

ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

Шу кунларда Одесса шаҳрида мамлакат кучли волейболчи аёллар командалари тўпланишган. Олий лигада қатнашувчи 12 коллектив Бутуниттифоқ турнирининг навбатдаги босқичида куч синашмоқда.

Қора денгиз соҳилида бўлаётган қизиқарли учрашувларда Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари ҳам қатнашмоқдалар. Вакилларимиз биринчи учрашувни муваффақиятли ўтказдилар. Анчагина кучли коллективлардан бири бўлган Ворошиловграднинг «Искра» командасини улар оғир курашда 3:2 ҳисобида маглубиятга учратдилар.

Мусобақаларнинг иккинчи куни ҳамшаҳарларимизнинг омади келмади. Улар Свердловск шаҳрининг «Уралочка» командаси қизларига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Ўтган куни Москва локомотивчиларн билан учрашган ҳамшаҳарларимиз бугун навбатдаги турда Риганинг «Аврора» волейболчилари билан куч синашадилар.

Турнир жадвалида ҳозирча мезбонлар пешқадамлик қилишмоқда. Одессанинг «Медик» командаси олтита очко тўплаган. ЦСКА волейболчиларида эса бешта очко бор. Тошкентлик қизлар ва Москва темирйўлчилари ҳам бешта очко билан пешқадамлар кетидан изма-из боришмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артисти

МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати ОТАЖОН РАЖАБОВ;

СОЛИСТЛАР: Фаҳриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуваттоқ САИДОВ;

Миниатюра ва интермедияларда: Турсунбой ҲАКИМОВ, Хайитали НИЗОМИДДИНОВ, Рихсибой ТУХТАЕВ, Низомиддин ОЛОВИДДИНОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музиқа раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Режиссёр — Сотимхон ИНОМХУЖАЕВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Ханифа ОРТИҚБОЕВА олиб борадилар.

Билетлар концерт кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 —МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.45 — «До-ре-ми-фа-соль». 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — «Ахборот». 18.55 — Социалистик мусобақа. 19.15 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Қўзилатиш кампанияси — чорвадорлар учун масъулиятли давр. 19.50 — Концерт. 20.30— «Ахборот». 20.50 — МОСКВА. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Кинофильмлар. 10.50 — Телеминиатюралар. 11.30 — Телеспектакль. 12.20 — Аловиддиннинг сеҳрли чироғи — (бадиий фильм). 13.40 — Концерт. 14.10 Ўқув кўрсатуви. 14.40 — Актёрлар ва роллар. В. Цветков. 17.40 — МОСКВА. 18.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Узбекистон ССР Алоқа министрлиги республика магистрал алоқалар ва телевидение шохобчалари бошлиғининг ўринбосари Т. Г. Раҳимов сўзи. 19.30 — Халқаро театр куни. 20.50 — Улуғ бунёдкорлик даври (телефильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Оталар сўзи. — ақлнинг кўзи. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.40 — ДУШАНБА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|III да **Инқилоб тонги** (14.00). **Уйланиш** (кечқурун). 28|III да **Инқилоб тонги** (12.00). **Аяжонларим** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27|III да **Олифта** (12.00). **Комедия, комедия ёхуд ҳангома**, 28|III да **Комедия, комедия ёхуд ҳангома** (кундуз) ва кечқурун).

КИНО

Саҳро ва чангалзорларда — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 13.30, 16.00, 19.30, 21.00), «ЯНГИОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ҳўрланганлар — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Муҳаббат учун жиноят — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Есения (2 серия) — «С. РАҲИМОВ НОМЛИ» (11.30, 14.30, 17.30, 20.15).

Бобби — «ТИНЧЛИК» (13.00, 15.00, 17.30, 19.30, 21.30).

«ОКЕАН»ГА МАРҲАМАТ



Шаҳримизда балиқ маҳсулотлари билан савдо қилувчи, Иттифоқда энг йирик «Океан» магазини тошкентликларга хизмат кўрсата бошлади.

Шота Руставели кўчасида жойлашган «Океан» магазинининг эшиклари кенг очиқ. Океандек кенг зал пештахталарида балиқларнинг деярли барча турларидан тайёрланган маҳсулотлар-у, консервалар терилиб турипти, Харидорлар ўзлари ёқтирган маҳсулотларни ҳарид қилишмоқда.

Биз «Океан» магазини директори Р. Г. Осипянцнин залда учратдик. У янги очилган магазин тўғрисида бизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— «Океан» магазини аҳолини балиқ маҳсулотлари билан янада мўл-кўл таъминлаш мақсадида очилди. 600 квадрат метрни ташкил қилувчи савдо залида харидорлар ва савдо ходимлари учун барча қулайликлар яратиб берилган. 800 квадрат метр майдонни эгаллаган ёрдамчи холодильниклардан савдо залига маҳсулотлар пешма-пеш чиқарилмоқда.

Магазин пештахталарида 14 хилдан зиёд музлаган балиқ, 30 хилдан зиёд балиқ консервалари мавжуд. «Ешлик» мактаб-магазини ва совет савдоси техникумида олим олган йигит-қизлар харидорларга хизмат кўрсатмоқдалар. Маҳсулотларни ўраш ва тортишда электрон асбоблардан фойдаланилмоқда. Бу жиҳозлар, хусусан савдо-технология ускуналари Германия Федератив Республикасининг «Линде» фирмасида тайёрланган.

«Океан»га марҳамат қилинг, азиз ҳамшаҳарлар!

М. ЗАРИПОВ.

Суратда: (чапдан ўнгга) магазинда сотиладиган маҳсулотлар турларини кўрсатувчи реклама бўлими, магазиннинг умумий кўриниши ва консервалар сотиладиган бўлимларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—01276. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. 2519. Ш